



ЖАЛТІК СҮЗІ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

25 февраль, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 41 (1043)

КЕЧА БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШНИНІ ЯКУНЛАДИ

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси 24 февраль кун ўз ишнини давом эттирди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди. Ўзбекистон парламенти таъсис йилликларининг аризалари ва тегишли хужжатларини қўриб чиқиш, ҳокимият ваколатли органларидан Олий Мажлисга сайланган 120 кишидан иборат депутатлар блокин, Халқ демократик партиясидан сайланган 69 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракциясини, «Адолат» социал-демократик партиясидан сайланган 47 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракциясини, «Ватан тараққиёти» партиясидан сайланган 14 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракциясини рўйхатга олди.

Сўнгра сессияда ҳокимият ваколатли органларидан сайланган депутатлар блокиннинг раҳбари Б. Рашидгаев, Халқ демократик партиясидан депутатлар фракциясининг раҳбари А. Жалолов, «Адолат» социал-демократик партиясидан депутатлар фракциясининг раҳбари А. Жўрабоев, «Ватан тараққиёти» партиясидан депутатлар фракциясининг раҳбари А. Йўлдошев сўзга чиқдилар. Улар депутатларга блок ва фракцияларини тузишдан қўзда тутилган мақсад ҳақида сўзлаб бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ўз нутқида парламентнинг ишига кўп партиявийлик тамойили жорий этилиши лозимлигини татқиқлаб ўтди. Парламентдаги ҳар бир партия фракцияси бошқалардан фарқ қиладиган ўз фаолият дасурига эга бўлиши лозимлиги, у республикада ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ижобий ўзгаришларга қандай сиёсий-ташқилӣ усуллар билан қўмақлашганини аниқ ва равшан тасаввур этиши кераклиги алоҳида ўқтирилди. Республиканинг янги парламентида, деди Президент, сиёсий мурося фаолиятининг асосий қондаси бўлмоғи керак. Сақат турли блок ва фракцияларнинг гоҳ ва фикрлари кураши асосиданга халқимиз олдига турган энг муҳим вазифа ва муаммоларни ҳал этишининг мақбул йўллари аниқлашиши мумкин.

Сўнгра депутатлар Ислоҳ Каримовнинг сессиянинг биринчи кунда Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисида қилган маърузасини муҳокама қилишга киришдилар. Сўзга чиққан депутатлар Н. Кучерский, А. Аметов, М. Эгамова, А. Мелкумов маърузанинг асосий қондаларини ақдлик билан маъқулладилар ва бундан бундан ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий турмушини тубдан ўзгатириш йўлидан боришга қатъий аҳд қилганликларини, амалга ошириладиган ислохотлар тақдирини учун масъулиятни зиммаларига олишга тайёр эканликларини баён қилдилар.

Шундан сўнгра раислик қилувчи депутатларини «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституцион қонуннинг 16-моддаси асосида тузилган Олий Мажлис Кенгашининг таркибидан асардор қилди. Олий Мажлис Кенгаши таркибига Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Раис ўринбосарлари У. Аширбеков, Б. Бугров, Б. Шодиев, А. Қосимов, мандат комиссиясининг раиси Ш. Мирзиёев, Олий Мажлис қўмиталарининг раислари А. Аҳадов, А. Йўлдошев, Б. Эшонев, Э. Воҳидов, А. Холмуродов, И. Қочмарик, Д. Утамов, Г. Йўлдошева, Ч. Абдилов, А. Мўминов, У. Хонимов, Б. Наимов, блок ва фракцияларининг раҳбарлари Б. Рашидгаев, А. Жалолов, А. Жўрабоев ва А. Йўлдошев кирган.

Депутатларнинг ишчи гуруҳи аъзоси депутат А. Носиров маърузасидан сўнгра Ўзбекистон Республикаси депутатлари мақоли тўғрисидаги, Олий Мажлис регламенти тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳамда Олий Мажлис қўмита ва комиссиялари тўғрисидаги Низом дастлабки ҳолатида маъқуллади.

Олий Мажлис депутатларининг фаолиятини ташқил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур масала юзасидан депутатлар ишчи гуруҳининг аъзоси депутат Т. Жўраев сўзга чиқди.

Шундан сўнгра сессия қотибятининг раҳбари депутат И. Эрбеков Олий Мажлис номига келган телеграмма ва аризалар тўғрисида депутатларга ахборот берди.

Кейин Олий Мажлис Раиси Э. Халилов сўзга чиқди. У Президент сайлови ва Олий Мажлисга сайлов муддатларини яқинлаштириш мақсадида, Президентнинг ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш юзасидан референдум ўтказиш тўғрисида тақлиф киритди.

Сўзга чиққан депутатлар С. Усмонов, П. Абдурахмонов, Э. Воҳидов, Ч. Абдилов Э. Халиловнинг 1995 йил 26 мартда давлатимиз бошлиғи И. Каримовнинг ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш юзасидан референдум ўтказиш тўғрисидаги тақлифини қўллаб-қувватладилар. Олий Мажлис бу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги консуллик шартномасини, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ўртасидаги инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳақидаги битимни тасдиқлади. Республиканинг бир қанча халқаро конвенцияларга қўшилиши ҳақида қарор қабул қилди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг ваколат муддатини узайтирди.

Шу билан биринчи чақирӣқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси ўз ишнини тугатди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИ РАИСИ ЭРКИН ХАЛИЛОВ НУТҚИ

Муҳтарам Президент!
Ҳурматли депутатлар!
Ҳозир Сиз билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини тасдиқладик. Шу муносабат билан яна бир муҳим ва долзарб масалани ҳал этиб олишимиз зарур.

Ҳаммангизга маълумки, Конституцияга мувофиқ Президент Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади (89-модда). Бош вазир, унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари ҳамда республика органларининг бошқа раҳбарларини тайинлайди, сўнгра Олий Мажлис уларни тасдиқлайди (93-модданин 10, 9-бандлари).

Айни пайтнинг ўзида Конституциянинг 98-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдига ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Конституцияда назарда тутилган бу нормалар умум эътироф этилган нормаларга ва халқаро амалиётга тўла мос келади. Бу ҳол ҳукуматнинг қонун чиқарувчи олий орган томонидан назорат қилиб турилишини таъминлайди ҳамда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тизимлари баҳамжиҳат ишлашга қўмақлашади.

Ҳаммангизга яхши маълумки, аввалги парламент 1990 йилда 5 йилга сайланган эди. Унда Ўзбекистон ҳа-

ли мустақилликка эришмаган бўлиб, СССР таркибига кирар эди, аввалги парламентнинг ваколати 1995 йилнинг февраль ойида тугади. Конституцияга мувофиқ айни бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти эса (89-модданин 2-қисми) 1991 йил декабрининг охирида умумхалқ овоз бериши йўли билан беш йил муддатга яъни, 1997 йилгача сайланган.

Шундай қилиб янги сайланган парламентимиз 2000 йилгача ваколатли бўлганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлиши Президентнинг ҳамда Олий Мажлисининг ваколатлари ўртасидаги вақтда номуносиблик таркиб топди.

Шу билан бирга бу ҳолат натижасида республика ҳукумати парламент ваколати муддати даврида икки марта, яъни парламент сайланганда ва Президент сайланганда тайинлашиши ва тасдиқлашиши мумкин бўлиб қолади.

Ваколат муддатлари ўртасидаги фарқ мавжудлиги ҳукуматни шакллантириш масаласида ҳам муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки уни шакллантириш вақтида бутунли кунда Олий Мажлисда мавжуд бўлган сиёсий фракциялар ва блокларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ҳам бошқа омиллар сингари му-

ҳим ўрин тугали.

Эндиликда парламентга сайлов кўппартиявийлик асосида ўтиши муносабати билан ҳукумат таркиби ҳам шунга мутаносиб бўлиши ҳамда парламентдаги сиёсий ва ижтимоий кучлар нисбатини ўзида акс эттириши зарур. Бу эса ҳамжиҳатликка эришишга, жамиятда барқарорлик бўлишига қўмақлашади.

Бундан ташқари ўз сайловчиларининг хоҳиш иродасини ифода этувчи Олий Мажлис билан умумхалқ сайлови йўли билан сайланган ва айни пайтда ижроия ҳокимиятининг раҳбари бўлган Президент ваколатлари муддати ўртасидаги номуносиблик уларни умумий мақсадга эришишга қаратилган баҳамжиҳат қилиш, келишиб ишлашларига ҳалақит беради. Агар биз бундан бундан ҳам ижтимоий ва фуқаролар тотувлигини, жамиятда барқарорликни таъминламоқчи бўлсак бу номуносибликни бартараф этишимиз лозим.

Шу муносабат билан ҳокимиятнинг ҳар иккала структураси ҳаракатларининг уйғунлигини таъминлаш ва объектив сабабларга кўра қонунчилик амалиётига таркиб топган бу номуносибликни тузатиш учун Президент ва парламент сайловини бир хил муддатга ўтказиш ёки Президент ва парламент сайловлари муддатларини яқинлаштириш мақсада му-

вофиқ бўлса керак.

Ушбу муаммони ҳал этиш йўллари билан — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача, яъни Олий Мажлис ваколат муддатлари туғатунча узайтиришди. Президент умумхалқ овоз бериши йўли билан сайланган экан Конституцияга мувофиқ унинг ваколат муддати фақат референдум асосида узайтирилиши мумкин.

Шундай қилсак, умумий ишчимиз фақат фойда кўради дейиши учун барча асослар мавжуд. Агар парламент, Президент ва ҳукумат ўз фаолиятини таҳминан бир пайтда бошлаб Президент сайлови даврида ҳам, шунингдек парламент сайлови пайтида ҳам сайловчилар маъқуллаган дастурни ҳаётга татбиқ қилишга биргаликда киришсалар, бу ҳол Ўзбекистон халқ манфаатларига тўла жавоб беради деб айтиш мумкин.

Шу сабабли агар муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич фикрларимизни асосли деб ҳисоблаб, рози эканликларини билдирсалар, депутатлар эса бу тақлифини қўллаб-қувватласалар бугун биз шундай қарорга келишимиз керак. Бу эса сиёсий барқарорликни ва миллий тотувлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш имконини беради. Бинобарин биз амалга оширадиган ислохотларнинг муваффақияти учун бу ўта

муҳимдир.

Масалани шу тарзда қўйиш ва ҳозирги шароитда умумхалқ референдумини ўтказиш — Президент сайловини муддатидан илгари ўтказиш билан баробардир. Чунки халқнинг ўзи аширин овоз бериши йўли билан Президент шахсига яна бир бор ўз муносабатини билдирибгина қолмай, шу билан бирга у ўтказатган сиёсатга ҳам ўз муносабатини ифода этади.

Лекин ушбу тадбир сиз учун қанчалик оғир синов бўлишидан қатъий назар, ҳурматли Ислоҳ Абдуғаниевич, парламент фаолиятининг бошида Президент, ҳукумат ва парламент ишида уйғунлик бўлиши учун, республикада сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш учун биз кiritтан тақлифга тўри қараб, ўз розилигингизни билдирасиз деб ўйлайман.

Ҳурматли депутатлар!
Умумхалқ сайлови йўли билан сайланган Президентнинг ваколатлари фақат халқ томонидан узайтирилиши мумкинлиги муносабати билан ва юқориде баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда шу йилнинг 26 март кунини давлат бошлиғи И. А. Каримовнинг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисида референдум ўтказишни тақлиф қиламан.

Этиборларингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ МАЪРУЗАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маърузасини эшитиб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисида»ги маърузасида баён этилган қондалар маъқуллашсин.

Қайд этилсинки, маърузада баён этилган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқбол концепцияси миллий давлатчилик барпо этиш, фуқаролар ҳуқуқий жамиятини явулда келтириш ва унинг маънавий-ахлоқий қадриятларини тиклашнинг асосий негизидир.

2. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маърузасида баён этилган ҳулосалар ва тақлифларни ўзларининг амалий ишларида инобатга олинсалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИНИНГ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича 1995 йил 26 март, яқшанба кунини Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенларига қуйидаги мазмундаги савол киритилсин: «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ОЛИЙ MAЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ БЛОКИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ҳокимият вакиллик органларининг 120 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари блоқи рўйхатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ОЛИЙ MAЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯСИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Адолат» социал-демократик партиясининг 47 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси рўйхатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ОЛИЙ MAЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯСИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 69 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси рўйхатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯСИНИНГ ОЛИЙ MAЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯСИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Ватан тараққиёти» партиясининг 14 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси рўйхатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ MAЖЛИСИНИНГ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларнинг даромадларидан олинладиган солиқлар даражасини камайтириш мақсадида:

1. 1995 йилнинг 1 мартидан бошлаб фуқаролар даромадининг солиқ олинмайдиган энг кам миқдори оғига 300 сўм миқдориде белгилансин.

2. 1995 йилнинг 1 мартидан бошлаб фуқароларнинг даромадларидан олинладиган солиқлар прогрессив ставкасининг чекланган миқдори 45 фоиздан 40 фоизгача камайтирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1995 йил 1 мартгача меҳнат қилиш шароитлари алоҳида зарарли бўлган ишлаб чиқаришларда ишлайдиган, амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар учун солиқ олишининг имтиёзиди тартиби белгиланган фуқароларнинг айрим топфалари рўйхатини улар даромадларининг ушлаб қолналадиган даражаси 25 фоиздан ошмаслигини назарда тутган ҳолда тасдиқласин;

Фуқаролардан олинладиган даромад солиғи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига белгиланган тартибда тақлиф киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30 ноябрдаги 1014-сон Фармонининг 5-банди 1995 йил 1 январдан бошлаб ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 7 февралдаги 1080-сон Фармони 1-бандининг тўртинчи хатбошиси 1995 йил 1 мартдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур Фармонининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 февраль.

Иқтисодий чорраҳаларида

Иқтисодий тақчиллик, хомашини етишимаслиги айрим корхоналарнинг оёқ-қўлини бозорга қўйгани бор сан. Аммо тадбиркорлик, ишбилармонлик қанат ёзган жойда меҳнат унуми юқори, иш самарали бўлади. «Андижон-саноатсавдо» концерни ишчи-хизматчилари ўтган йили режадагидан 28 миллион 140 миң сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Уларнинг янги йилнинг дастлабки ойларидики одимлари эса янада дадил. Муҳбиримиз ушбу концерн раиси Одижон СОДИҚОВ билан учрашиб, уюшмада эришилатган ютуқлар омили ҳусусида суҳбатлашди.

— Одижон ака, буйруқбозлик билан иш битадиган, қўлни қовуштириб турадиган давр ўтди. Корхона фаолиятига берилган баҳони юқоридегири эмас, бозор белгилапти. Демократик, андижонлик маҳаллий сановатчилар ютуқининг боиси нимала?

— Бозор иқтисодиёти оддий ишчида тортти корхона раҳбарига — барчани тадбиркор қилиб қўйди. Қолаверса, энди кимнинг маҳсулоти сифатли, харидоригир бўлса, ушанинг омади чопаяпти.

Аваллари админосқдан қолган техникага суяниб қолган эканмиз. Технологик жараённи ўзгартирмасак, ишимиз юришмаслигини ўз вақтида англаб етдик. Энг муҳими — халқ эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқаришга эътиборни қаратдик. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида Охунбобоев номли моимик ишлаб чиқариш бирлашмасида 33 та, Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида 25 та, Марҳаматдаги «Дилшо» ҳиссдорлик жамиятида 19 та, Андижон шаҳридаги «Уммон» сановат комбинатида 13 та, «Нолир» масъулияти чекланган жамиятда 15 та турли тикув ва тўқув, зичлаш дастгоҳлари ўрнатилди. Ип-калава, тикувчилик, трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириб, маҳсулот айир-болаш эвазига четдан хомаш олиб келишни йўлга қўйдик. Муқддам маҳсулотларни ярим тайёр ҳолида сотиб юборардик. Демак, ўз қўлимиздаги бойликни ҳам бой берардик.

Энди янги ишлаб чиқариш жараёнини ўзимиз удалашга ҳаракат қилишимиз. Бир мисол, «Бунёд» ҳиссдорлик жамияти

«БАҲОНИ БОЗОР БЕЛГИЛАМОҚДА»

дейишпанти андижонлик маҳаллий сановатчилар

да пахта толасидан ип йиғириб, уни сояққа айлантиришимиз. «Нолир» ҳиссдорлик жамиятида жундан харидоригир маҳсулотлар тайёрланаптир. Шуниси қувонарликки, «Бунёд» тадбиркорлари ўтган йили ишбилармонлик туғайли 3,5 миллион сўм соф фойда қўрдилар. Умуман, бугунги концернимизда жами 94 миллион 149 миң сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу борада бурноги йилга нисбатан 15 фоиз ўсишга эришилди.

— Кўрсаткичлар шунчаки рақамлар эмас. Унинг замирида фидойи кишиларнинг изланишлари, машаққатли меҳнатлари муҳассама, шундай эмасми?

— Албатта, ютуқлар ўз-ўзидан келмайди. Ишбилармонларнинг оғидан ўт чакнаши лозим. Олма пишиқгани кутиб турган киши ер чизиб қолиши ҳеч гап эмас. Биз бозор талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш жараёнини жаллаштирган ҳолда маҳсулот турини кўпайтириб боряптимиз. Ўтган йили 66 турдаги янги маҳсулот

ишлаб чиқарилди. 30 га яқин янги техника ва илгор технология ишлаб чиқаришга жойи этилди.

СССР парчаланиб кетгач, ички имкониятлар ишга солинди. Ахир, узоқ йиллар мобайнида корхонага боғланиб қолган ишчи-хизматчиларни кўчага суриб чиқариш керакми? Ўтган йили бирлашмада маҳсулос молама ва кичик механизация воситаларидан фойдаланиб, эркаклар шимини тикадиغان конвейер, аёллар туңги кўйлақлари, қизлар учун кўйлақлар, болалар шимлари, шалвар, яхтак, пахтали пийма тикадиغان линиялар ўрнатил-

фирмалари, мулкдорлари билан ҳамкорлик қилаяптиз. Дастлаб Олтинқўл халқ истеъмол моллари бирлашмасида германиялик ишбилармонлар билан биргаликда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган «Масъудтекс» ва хитойлик тадбиркорлар иштирокида мўйначиликка мўлжалланган «Хамкор-ФО» қўшма корхоналар ташкил этилган эди. Шундан сўнг Охунбобоев моимик пахта ишлаб чиқариш бирлашмасида Руминиянинг «Очан трайдинг» фирмаси билан ҳамкорликда табобат пахтаси ишлаб чиқарувчи «Саломат», «Ойим» йиғирув-тўқув

малар Покистондан, фурипура эса Гонгкондан келтирилди. Хар бир линияда 50 талдан, жами 200 та юксак унумли тикув дастгоҳи бўлиб, уларнинг ёрдамида йилига 6-8 миллион дона эркаклар кўйлаги жаҳон бозорига чиқарилади. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз газнасини бойитиши, истиқболимизнинг порлоқ бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

— Хусусий мулкчилик қарор топган жойда меҳнатта муносабат ўзгариб, ишчи-хизматчиларда соҳибкорлик туйғуси шаклланипти. Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ҳусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Республикама Президентининг бу борадаги Фармони узоқни кўзлаб қилинган саяҳатда даяватди. Инсон ўз мулкига нисбатан ўзгача ёндашади. У янада унумирок, сифатирок ишлашга ҳаракат қилади. Чунки унинг кўз ўнгида доимо моддий манфаатдорлик манаман деб турди. Шу боис ҳозирги кунда 3 та ҳиссдорлик, 6 та масъулияти чекланган ва битта хусусий корхонамиз янгиҳасига ишламоқда. Концернимиз бўйича жами 34 та жамоа давлат тасаруфидан чиқарилган. Оқибатда қатор корхоналарда, жумладан Ойим қишлоғидаги «Бунёд», Қорасув шахридаги «Қорасув», Марҳаматдаги «Дилшо», Балқиқдаги «Балқиқ тоңги» ҳиссдорлик жамиятларида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан яхшиланди.

Бироқ биз мулк шаклини ўзгартирган ишбилармонларни ўз ҳолига ташлаб қўйганимиз йўқ. Негаки, ҳаммамизнинг мақсадимиз битта: халққа хизмат қилиш, унинг оғирини енгиллаштириш. Қолаверса, бир ёқдан бош чиқариб ишлашаскани иқтисодий тақчилликни бартафат этмасиз, жаҳон бозоридан ўз ўрнимизни топамиз.

«Халқ сўзи» муҳбири Ф. ШОДМОНИЕВ суҳбатлашди.

Долзарб мавзу

ЎЗИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АПДАМАЯПМИЗМИ?

БОЗОР муносабатлари шароитида ўз мулкни авайлаб-асраган, ундан омиликорна фойдаланганларгина ютади. Эл бойлиги эса қонун билан кўрикланади, талон-торож этилишига йўл қўйилмайди.

МИНГ АФСУСКИ, ёнверимизда ўзи-гина инониб топширилган эл мулкига ўғай муносабатда бўлаётганлар, кишилар манфаатига хизмат қилувчи бе-баҳо воситаларнинг кадр-қимматини билмаётганлар ҳануз учраб турибди.

Яқинда вилоят прокуратураси ички ишлар ходимлари билан биргаликда воҳа ҳўжалиқларидаги мавжуд техника воситалари ва ер захираларидан фойдаланишнинг аҳволини яна бир бор синчиқлаб ўрганди.

Бугун қишлоқдаги меҳнат жамоаларига осон тутиб бўлмайди. Аксарият ҳўжалиқлар муайян молиявий қийинчиликлар шароитида фаолият кўрсатяпти. Бундай вазиятда нархи баланд янги техника воситаларини сотиб олиш ўқда турсин, эҳтиёт қисмлар харид қилиш ҳам амри маҳол. Шундай бўлгач, мавжуд техникани кўз қорачиқдаги асраш, ер соҳибларига имкон қадар кўп наф келтиришини таъминлаш талаб этилади. Қонун талаби ҳам ана шундай. Техника дехқон кўл-қанот бўлмаган жойда ҳосилдорлик паст бўлади, ер қаровсиз қолади.

Техширив вақтида эл-юрт манфаатига хизмат қилиши зарур бўлган қимматли техника воситаларининг дала ва устаконаларда, ҳовилларда эгасиз, қаровсиз ташлаб қўйилганлиги, талон-торож қилинаётганлиги аниқланди. Айрим ҳолатлар юзасидан эса жинорий иш кўзгалтирди.

Маълумки, мавжуд машина ва механизмларнинг техник ҳолати, сақланиши ва фойдаланишини назорат қилиш жойларда бош муҳандислар зиммасига юклатилган. Шовот туманидаги К. Отаниёзов номли жамоа ҳўжалигида бу қоида кўпол равишда бузилган. Бош муҳандис Йўлдош Турсунов бурчи ва вазифасини унутиб қўйган. Оқибатда айрим механизмлар назоратсиз қолиб, эҳтиёт қисмлари талон-торож қилинган. Ҳўжаликка та-

лайгина зарар етказилган. Энди яроқсиз моддий техникадан кимга наф? Муҳандиснинг ушбу жинояткорона хатти-харакати энди ҳолисона баҳони суд беради. Худди шундай ҳоҳиш ҳаракат Хазорасп туманидаги «Эркин» жамоа ҳўжалиги бош муҳандиси Исмоил Исаев томонидан ҳам содир этилган. Қаровсиз қолган техника бош муҳандиснинг кўз ўнгида куппа-қундуз куни ҳомта-лаш қилинди. Суд ҳайъати мазкур хатти-харакатни ҳам тегишли сурыатда ба-ҳолайди. Ҳозирча эса Республика Жиноят Маҳкумининг 123-1 моддаси 1-қисмига асосан тергов ишлари олиб бориляпти.

Жамоаларга қарашли қишлоқ ҳўжалиқ техникаларини белгиланмаган жойларда сақлаш, улардан носоз ҳолда, шахсий манфаат йўлида фойдаланиш ҳолларига тез-тез дуч келинмоқда. Бундай ҳолатлар юзасидан ҳозир-гача 851 киши жазоланди. Шу жумладан, 126 нафар мансабдор шахсга маъмурий ва моддий жазо чоралари белгиланди. 20 миң сўмга яқин жари-ма ундирилди.

Навбатдаги текширишларнинг бири-да Кўшқўпри туманидаги 2-бўрдоқчилик корхонаси тасаруфидagi экин майдонлари қўздан кеңирилади. Таасуфки, бу ерда хайрли ишларга эмас, балки кўзбўямачиликка дуч келинди. Ҳисоботларда 60 гектар қилиб қўрсатилган бугдойзор аслида 40 гектар бўлиб қикди. Дон элимиз учун нечоғли табарруқ ва қимматли неъматлигини ҳўжалиқ раҳбарлари фаҳмлашмайди деълмаймиз. Лекин фалон таноб ерга бугдой эқдик, деб ёлгон маълумот беришгани қизик. Қанийди ишни дўндириб, кейин мақсатини. Туман прокуратураси бу маълумат бўйича жинорий иш кўзгади. Айни кунда жамоанинг собиқ раҳбари Ш. Оллаберганов Ўзбекистон Жиноят Маҳкумининг 149-1 моддаси 1-бандига асосан қонун олдида жавоб бераляпти.

Халқимиз қайишганга қайишади, қўлагани қўллайди. Манфаатимизга путур етказганлар, эл ризқини қийганлар, қонунларимизни менсимганлар эса асло кеңирилмайди.

Ю. РАҲМОНОВ, Хоразм вилоят прокуратури, 3-даражада давлат адлия маслаҳатчиси.

Бизга ёздадилар

ДАРДАН ФОРИБ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ «ШАХАНД»ГА КЕЛИНГ

Бундан уч йил муқаддам қон босими касаллиги туғайли Турақўргондаги «Шаханд» сийхатгоҳида даволандим. Бу ердаги шифокору хизматчиларнинг меҳрибонликлари, фидойиликларини кўриб хурсанд бўлдим. Шундан буён ҳар йили «Шаханд»да даволанаман. Мен сийхатгоҳининг А. Қодиров, М. Раимов, М. Отабоева, М. Худойқулов, Э. Бозорова, О. Юнусова сингари врач ва ҳамшираларидан доимо миннатдорман. Қўлингиз дард кўрмасин, дейман.

А. ТУРДИЕВ, Сурхондарё вилоти, Олтинсой тумани, «Хўжайнак» жамоа ҳўжалиги.

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» — УЧ МИНГ ХОНАДОН «МЕЗБОНИ»

Охунбобоев туманининг Қаданлар ҳожи Мадалиев номли жамоа ҳўжалиги ҳудудига 92 километрик газ қувурлари тортиш ишлари тугалланди. Ҳозир ҳўжаликкаги 3 миңдан зиёд аҳоли хонадонига табиий газ кириб келди. Бу ишларни амалга оширишда вилоят ҳокимлиги ва жамоа ҳўжалиги бошқаруви ва қатор маҳаллалар фаолларининг хизматлари, аиникса, катта бўлди.

Б. Тўйчиев, Фарғона вилоти.

ЎТИН-КЎМИР ТАШВИШИДАН ҚУТИЛИШДИ

Химичи қишлоғига янги йил омади келди. Энди қишлоқ аҳли ўтин-кўмир ташвишидан қутилди. Қишлоқда «зангори олов» порлай бошлади. Газ ўтказиш ишлари муддатидан аввал тугалланди. Химичликлар бу хайрли иш ташаббускори — туман ҳокимлигидан миннатдор.

Г. МЕЛИЕВ, Жомбой тумани, «Ҳақиқат» жамоа ҳўжалиги.

Сурдарё ГРЭСи маъмурияти нурчилар шаҳри — Ширидаги ўрта мактаблар ўқитувчиларнинг маошларига қўшимча ҳақ тўламоқда.

Бу қўшимча муаллимлар иш ҳақининг ярмига тенг.

МУРАББИЙЛАРГА САҲОВАТ

Нурчилар фарзандларининг мураббийларига ана шундай саҳоват кўрсатишгадан бўлса, Ширида маҳалласозлик Шавди жамоаси ҳар бир муаллимнинг рўзгорига зарур миқдорда арзон нарҳда сабзавот маҳсулотлари етказиб берди. Шунингдек, Оқолтин ва Ховос туманлариди ҳам матрифат заҳматкашлари-

га баҳоли қудрат моддий кўмак уюштирилмоқда.

А. ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«СИНО» ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРДИ



САМАРҚАНДДАГИ «СИНО» совутичлар ишлаб чиқариш заводи ўз маҳсулотлари билан фақат республикамиздагина эмас, балки хорижий мамлакатларда ҳам танилган. Авваллари тайёрланадиган совутичлар учун эҳтиёт қисмлар собиқ Иттифоқ республикаларидан олиб келинади. Эндиликда корхона янги ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатган. Заводга Германиянинг «Фонрон» фирмаси инвестициясининг жалб қилиниши бу ерда ишларнинг янада ривожланишига туртки бўлди. Улар бир катта соҳалар бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олганлар. «Сино» ва «Фонрон» ўртасидаги келишувга кўра ташкил этилган қўшма корхона 1995 йилдан бошлаб турли замонавий совутичлар ва кир ювиш машиналари ишлаб чиқара бошлади.

Шунингдек, Литваннинг Мажайякий шаҳридаги «Орвуа» ҳиссдорлик жамияти вақиллари ҳам завод маъмурияти билан велосипедлар ва турли резина ўйинчоқлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона тузиш ҳамда совутич ва музлаштириш учун компрессорлар етказиб бериш бораида шартнома тўлдирди. Улар шу кунгача заводга 3 миң дона компрессор матолари жу-



СУРАТЛАРДА: 1. Корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ленур Фафоров ва пластмасца цехи бошлиғи Баҳоидир Хидиров. 2. Завод ишчилари янги ўрнатилган ускуналар билан таъминланганлар.

Т. НОРКУЛОВ олган сурачлар. (ЎЗА).

Тўртқўлда қариялар беғул соч-соқол олдиришади

Тўртқўлдаги фахрийлар ва қариялар ҳоҳлаган пайнда мариқаб ҳордиқ чиқаришлари, чой ички овқатланишлари ва соч-соқолларини алдиришлари мумкин. Қизиги шундаки, бу беминнат хизматларини барчаси беғул.

Раҳматли Урин қасбиданги ўғли Азимбой Рейшмов ана шундай хайрли ва саховатли ишга кўл урди. Унинг оидий қасби — қас-

Тезжалгани нақд фойда

ТЕХНИКАНИНГ 95 ФОИЗ «УМРИ» ЗАНГГА ЕМ БЎЛАЯПТИ. НЕГА?

Чунки, у эгасиз бўлгани учун дуч келган жойда қор-ёмғир остида, лойга беланиб ётибди

ШУ ЙИЛ 18 январь куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йилги ишчилик ҳўжалиқ техникаси нисбатан масъулиятсизларча муносабатда бўлиётганлиги, даваларда, йўз чепларда, одамларнинг ўйлари ёғида ва ҳовилларида турли-туман техника воситалари, машина ва механизмлар лойца қоршииб, қор-ёмғир остида очиқ-сочиқ ётиб, нобуд бўлаётгани ҳақида гапирди.

ШУНДАЙ пайтда ўйлабниб қолсан киши: наҳотки, энди техникка қандай муносабатда бўлиш, уларни қандай асраш ҳусусида ҳам Президент жон куйдириши керак бўлса? Ахир бу вилоят, туман ҳамда ҳўжалиқ раҳбарлари ва мутахассисларнинг бевосита, бурчлари, қолаверса, виждон ишлари эмасми? Улар режаларнинг удаланиши қилиши, ишларнинг олға босмаётганлиги учун жавоб талаб қилинганда, техника воситаларининг нархи ошиб кетганлиги учун сотиб олишга маблаг йўқлиги, эҳтиёт қисмларнинг тақчиллигини қалқон қиладилару, бироқ борларини унумли ишлатмайдилар, авайлаб асрамайдилар. Қишлоқ ҳўжалигининг оёқ-қўли ҳисобланган техника иш тугаган жойда қаровсиз қолиб кетаверади.

Собиқ Иттифоқ давридан мерос қолган бундай иллатнинг сабабларидан бири шундаки, Ўзбекистоннинг ёзи узун, ёгин-сочинли кунлар қиска, деган хато тушунча билан қишлоқ ҳўжалиқ техникаси сақланадиган очик-ёпиқ иншоотлар қурилиши учун қўшимча маблағлар ажратилмасди. Муддатига етмай, ҳисобдан чиқариладиган техникалар ўринига пахтадан келадиган даромад ҳисобидан янгилири бериларверди. Энди бундай имкониятлар йўқ, эски толлар кесилиб кетди, ўз аравамизни ўзимиз тортишимиз керак.

Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган техника воситаларининг кўпи йилда-да икки ҳафтадан бир ойгача ишлатилиб, қолган ва-

қт (яъни мавсумлараро) бекор туради. Демак, қишлоқ ҳўжалиқ машина ва механизмларини сақлаш жараёнлари ва уларни ҳисобдан чиқаришга бўлган муносабатларнинг бутунлай қайта кўриб чиқиш шарт, деб ўйлаймиз.

Ҳеч бўлмаганда етти-саккиз йил ишлатилмай, ҳисобдан ўчирилмай, камдан-кам ҳолларда металлтомга топшириладиган, асосан қаерда бўлса, ўша ерда қолиб кетадиган техникалар «хўсти»ни таҳлил қилсак, улар барча мавсумлар ҳисобидан бор-йўғи 100-150 кун ишлаган бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, 95 фоиздан кўпроқ «умри»ни қантариқда ўтказиб, чириб, йўқ бўлиб кетди. Қантариқдан сўнг далага қалқилганларининг ҳам айрим деталлари занглаб кетганлиги учун бўшапти ёки қотириб бўлмайди, бинобари бу техника ишга ярамайди.

Расмий манбалардан олинган маълумотларга кўра металлларнинг занглиш қўп мамлакатларда миллий даромадининг ўн фоизига тенг миқдорда зарар етказди. Ўзбекистонда бу миқдор кўп бўлса қўпки, асло эъ эмас. Масалан, пахта териш машиналари шпинделларининг занглаб ўтмаслашиши ҳосилнинг ерга тўкилишини камида 2 фоиз кўпайтиради. Буни пулга қақадиган бўлсак, давлатимиз учун нихоятда зарур бўлган 20 миллион доллар йўқотилди деган сўзидир.

ррак бўлади.

Ҳолбуки тегишли технология ёрдамида шу занжирларга турган жойида ва санокли дақиқаларда ишлов бериб, ҳам зангдан, ҳам емирлишдан сақлаш мумкин. Иккинчидан, шу мақсадларга ишлатиладиган нефть маҳсулотлари хилларини Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводи ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Бу соҳада ҳам тайёргарлик ишлари ниҳоятга етказилган, иланишлар яхши самара берган, истеъмолчилардан бюортмалар кутмоқдалар. Қайта лойиҳалаштирилган техникаларда ана шу мойлаш ва сақлаш воситаларидан фойдаланиш лозим. Аммо, афсуски, техника ҳужжатларида асосий ишлаб чиқаришдан олиб ташланган, сифати паст (нигрот, ПВК сурхаш мойи кабир) воситаларни қўлаш ханузгача тасвия этиб келинмоқда.

Четдан валютатга сотиб олиб келинаётган қимматбаҳо автобуслар (Мерседес, Велде, ДЭУ), троллейбуслар, енгил автомобилчалар (Опел, Доған) занглаб, тезда ишдан чиқмаслиги учун, шу кундан-ноқ улар (поллари, кузовларнинг) говак жойлари ва остки қисмларига) зангта қарши қўшимча ишлов бериш керак.

Тошкент автомобил ва йўллар институтининг химмотология ва ресурсларни тежа лабораторияси техника воситаларини занг ва емирлишдан асрашга қизқикқан ҳамма вазирилик ва идоралар, биринчи навбатда республика Қишлоқ ҳўжалиқ вазирилик, «Узмашсаноат» уюшмаси, «Узавтотранс» ва «Тошшаҳрийўловчи» корпорациялари, «Экзишлукҳўжалиқ-тээминотузутич» қўмитаси, «Узнефткайтаиш» ва «Узнефтьтаэминот» бирлашмалари билан бу йўналишдаги изланишлар натижаларни юзасидан ҳамкорлик қилишга тайёр.

А. СОБИРЖОНОВ, Тошкент автомобил ва йўллар институту докторанти.

• Кўрик-танлов якунланди

БУНДА ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ҲАКИМДИР...

Тошкент воҳаси экологик тозариш йўлида

Аввал хабар берилганидек, «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари, «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ва Республика Давлат телерадиокорпорациялари томонидан...

«ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг виллоят бўлими ташкил этилганига эндигина бир йил бўлди. Ўтган шу қўсқа муддат ичида бу ташкилот виллоятнинг саноат шаҳарлари ҳамда қишлоқ жойларининг экологик софлигини таъминлаш йўлида амалга оширилган ишлар сезиларли натижалар берди.

дан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Айтиш керакки, виллоятда экологик ҳолатни яхшилаш йўлида қилнадиған ишлар кам эмас. Бу ерда ўнлаб кудратли саноат корхоналари ишлаб турибди. Қурилиш санаети ўсмоқда, республиканиннг энг йирик энергетика мажмуалари Тошкент виллоятда жойлашган... Буларнинг баъри экологик софликни асраш орқали халқ саломатлигини сақлашни тақозо этади.

саломатлигини асрашнинг энг мақбул йўли — касалликларнинг олдини олиш тиббиёти ва тиббий тарғибот маорифини яхши йўлга қўйишди.

Йилгида «ЭКОСАН» жамғармаси виллоят бўлимининг директори А. Абдухалиқов, жамғарманинг Бекобод ва Ангрэн тумани бўлимлари раҳбарлари Э. Қодиров, А. Холдоров, Республика Ўрмон хўжалиги кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Юсупов, «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг президенти Ю. Шодиметовлар сўзга чиқди.

Юртимиз остонасида баҳор кулиб турибди. Агар биз «Наврўз» умумхалқ байрами арафасида яна бир бор ўз хонадонларимиз ва ҳовли-жойларимизни саранжом-сарилталасак, маҳалла ва даҳалларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ободончилик ишларини авж олдирак, табиатга меҳр ва ардоқ берсак, янада кўнглимиз равшанлашишни аниқ.

Р. ҲАКИМОВ.



Ғаждўвон туманидаги «Гулстон» жамоат хўжалиги кўп тармоқли. У пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва пиллачиликка ихтисослаштирилган. Ушбу йилдан бошлаб галлачиликка ҳам алоҳида эътибор берилмаётирилади. Галлазорлар 130 гектардан 230 гектарга етказилди.

Айни кунларда хўжаликда чигит экиладиган майдонларнинг шўрини ювиш ва техникаларни баҳорчи экишга тайёрлаш ишлари қизғин кетмоқда. СУРАТДА: механизатор Нормурод Норов таъмирлаш ишларида актив иштирок этмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

• Хабарлар оқимидан

«МЕРСЕДЕСБЕНЦ» ДА ЭШИК, РОМ ВА ТРАКТОРЛАР ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ ҲАМ ТАЙЁРЛАНАДИ

Дружба шаҳридаги «Мерседесбенц» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш ҳажми тобора кенгайиб бормоқда.

Йилда 340 та юк автомобиллини буортмачиларига етказиб берган мазкур корхона жамоаси машина йиғиши билан бирга ерданчи соҳаларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратаётди.

Хозирги кунда корхона цехларида иситиш қозонлари, қишлоқ хўжалик ускуналари ва бошқа йиғирмадан ортик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Тез орада ноғиронлар машиналари, алюмин котимашинлари дераза-эшик ромлари,

шунингдек, тракторларнинг айрим эҳтиёт қисмлари ҳам ишлаб чиқарилади.

У. ҲАЙДАВЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«СИГИРНИНГ СУТИ ТИЛИДА»ЛИГИ ШУ-ДА

ДЕНОВДАГИ «Барака» фермер хўжалигида 20 бош соғин сиғир, 9 бош тана, 30 бош қўй бор.

Бултур Парда Авазов бошлик чорвадорлар яхши ишлашди, давлатга 4 тонна гўшт, 29 тонна сут сотилди. Зиён, табиийи, йўқ. Фойда эса ўзлариники-тўқсон олтинчи йилгача улар барча солиқлардан озод қилинган.

Хозир улар ҳар сиғирдан 7-8 килодан сут соғиб олишмоқда. Чунки, емиш мўл, парвартиш зур. Тождидин РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

«АЗОТ»НИНГ ШУҲРАТИ

Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш биришмасида муҳандис ва техник ходимлар томонидан яратилган янгилликлар ҳаётга жадат тадбиқ этилмоқда.

Яқинда корхонада биришманнинг тажрибали кимётери Тамара Орипова кашф этган «Активителититизал» кукунини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Содалагина қилиб «Тозалик» дея номланган мазкур кукун уй-рўзгор буюмларини ювишда тазолувчи молда сифатида ишлатилади. Ушбу янги махсуслотнинг сотувга чиқарилган дастлабки

ўн тўрт ярим минг тоннаси тез кунлар ичида ўз эгаларини топди.

Бундан руҳланган биришма жамоаси яна бир янги махсулот — «Медали» дорисини тайёрлашни ҳам йўлга қўйишди. Ўзбек олимлари тавсияси билан ишлаб чиқариладиган мазкур дори чорва молларини турли ички касалликлардан сақлашда қўлланилади. Қизғин шундаки, кўп йиллардан бери минерал ўғитлар тайёрлаш билан ном қозонган «Азот» ишлаб чиқариш биришмаси эндиликда дори-дармон каби зарур моллар билан шуҳрат қозонмоқда.

Ўқтам ДҮСТЕР.



ҲАРБИЙ КУЗАТУВЧИЛАР ЙЎЛЛАЙДИ

АҚШ Перу ва Эквадор ўртасидаги чеграда рўй берган ихтилофни бартараф этиш борасида тузилган тинчлик ҳақидаги битимни амалга оширишда кўмаклашиш учун ҳарбий кузатувчилар йўллайдилар.

Пентагонда журналистлар билан бўлиб ўтган учрашув чоғида ҳарбий маҳкама расмий вакили шуни маълум қилди. Америкалик кузатувчилар Аргентина, Бразилия ва Чили вакиллари билан ягона халқаро ғуруҳ таркибига кириди. Пентагон вакили ҳарбий кузатувчиларнинг сони 40 нафаргача бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

САЛБИЙ ФИКР ТУГДИРМОҚДА

Чеченistonдаги воқеалар АҚШнинг Россияга ёрдам бериши масаласида Америка жамоатчилиги ва конгресс аволаида салбий фикр тугдирмоқда.

АҚШнинг янги мустақил давлатларга муносабатлар масаласи бўйича мувофиқлаштирувчиси ўринбосари Дэррил Жонсон шундай деб айтди. Хозирги пайтдаги Чеченistonда юзга келган вазият Вашингтонда қизғин муҳокама этилмоқда. Россия Чеченistonдаги можағора қанчалик тез барҳам берса, унинг учун шунча яхши бўлади, деди у.

МУНОСАБАТЛАРГА ЗАРАР ЕТКАЗИШИ МУМКИН

Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили РАТА-ТАСС мухбирига Чеченistonдаги ихтилофнинг давом этиши Россия билан Фарб ўртасидаги муносабатларга зарар етказиши мумкинлигини таъкидлади.

Ташқи сиёсат маҳкамаси вакили, шунингдек, Англия ташқи ишлар вазирини Дуглас Хэрд яқинда россиялик ҳамкасби Андрей Коэриев билан Стокгольмдаги учрашув чоғида шу фикрини айтган.

ЛИВИЯ ЛИВАНГА ЁРДАМ КЎРСАТИШГА ТАЙЁР

Жазир ахборот агентлигининг тарқатган хабарига кўра, Ливия раҳбари Муамар Қаддафи Ливаниннг Исроилга қарши олиб бораётган курашини тўла қўллаб-қувватламади.

У Ливан Президенти Илбэ Храун билан телефон орқали сўзлашар экан, араб давлатларининг биргаликда ҳимоялашиш ҳақидаги шартномага биноан Ливия Ливанга ёрдам кўрсатишга тайёр, деди.

«МУАММО ҲАЛ ЭТИЛМАЙ ТУРИБ...»

Югославия таркибига кирувчи Македония Республикасидаги албан миллати муаммосини ҳал қилмасдан туриб, мамлакатда мустақам тинчлик ўрнатиш мумкин эмас, деди Албания ташқи ишлар вазирини Альфред Серречи.

Унинг таъкидлашича, Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги ташкилоти албанларнинг кўпчилик қисми яшаётган Македониянинг Косово ҳудуди билан қизиқмапти.

КУРИЛ ОРОЛЛАРИДА ЗИЛЗИЛА

21 февраль кунини Курил оролларида Рихтер ўлчови бўйича 6-7 балл билан ер силқиди.

Зилзила маркази Россия Федерацияси чегарачилар қисми турган Уруп ва Семучир ороллари бўлган. Зилзиладан фақат хўжалик ва маиший бинолар зарар кўрдиган.

ЖИДДИЙ ТҮСИҚ

Сурия халқ кенгаши (парламент) Исроил ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшлмағунича мамлакат раҳбарини бу ҳужжатни имзоласмаслигини тасдиқлади.

Сурия парламентининг Дамашқда ўтган мажлисида депутатлар махсус баёнот қабул қилдилар. Унда Исроилнинг бу шартномага имзолашдан бош тортиши Яқин Шарқда ядро қуролига эга бўлган ягона давлат бўлишини аналгатади, бу минтақда мустақам тинчлик ўрнатишда жиддий тўсиқдир, дейилди.

МАСЛАҚДОШИДАН РАНЖИДИ

Германиянинг «Немец халқ иттифоқи» (НХИ) деб номланган неофашистар ташкилоти раҳбари Россиянинг либерал демократик партияси (РДП) етакчиси В. Жириновскийдан ранжисанини хабар қилди.

Маълум бўлишича, В. Жириновскийнинг «Шпигель» ҳафтаномасидаги баёноти бунга сабаб бўлган. РДП раҳбари ҳафтаномада бутун дунё «Россиядан кўркиши керак»лигини ва Германия хозирги Австрияниқидек ҳудудга эга бўлиши ки-фолигини айтган.

ВИЗА СИЁСАТИ ЎЗГАРМАЙДИ

Россия Ташқи ишлар вазирлиги вакилини буюқ Фарб давлатлари вакили Франция ҳам Россия фуқаролари учун виза бериш амалларини мураккаблаштиригани ҳақида баёнотидан сўнг, РАТА-ТАСС мухбири Франция Ташқи ишлар вазирлигига бу ҳолати шарҳлаш учун муурожаат этди.

Вазирликда мухбирга Парижнинг россияликларга виза сиёсати ўзгармагани айтилди. Бироқ, сўнгги йилларда Францияга бораётган россияликлар сони сезиларли даражада ўсган, жумладан, 1992 йилда 69 минг, 1993 йилда 87 минг, 1994 йилда эса 117 минг россияликнинг Францияга бориш ҳақидаги илтимоси қондирилган.

ЎЗБЕК ОЛИМИНИНГ КИТОБИ АМЕРИКАДА НАШР ЭТИЛДИ

Мустақиллик шарофати туғайли ўзбек олимларининг шуҳрати жуда кўп ҳоррижий давлатларга ҳам ёйилмоқда. Яқинда таъкил ўзбек олими, физика-математика фанлари доктори, профессор Иброҳим Раҳимовнинг «Тасодифий йиғинлар ва тармоқланувчи стохастик жараёнлар» номли китобини Америкадаги Шпрингер Верлат нашриёти Нью Йоркда инглиз тилида босмадан чиқарди.

Замонавий матбаачиликнинг энг сўнгги ютуқлари асосида чоп этилган китобни varaқлар экансиз, муаллиф ва унинг Ватани ҳақида айтилган илиқ сўзларни ҳаяжон билан ўқийсиз: «Ўзбекистон Марказий Осиёдаги собиқ СССРдан ажралиб чиққан мустақил жумҳуриятлардан бири», дейилди унда. Кўҳна ўзбек шаҳарлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент узоқ замонлардан буюк инсонларни ўзига маҳлиё этиб келмоқда. Улардаги 4 мингдан ортик архитектура ёдгорликлари ЮНЕСКО томонидан қўриқланади.

Ўзбекистон Ўрта асрларнинг машҳур ризиётчи ва фалакиёт олимлари Муҳаммад Ал-Хоразмий (Альгорти), Абу Райҳон Беруний ва Мирзо Улугбекнинг Ватанидир. Бу юрда улуг тиббиёт олимни, файласуф ва шоир Ибн Сино (Авиценна) тутилган.

Математиканиннг эҳтимоллар назариси ва тармоқланувчи жараёнларнинг ўрганишида катта қизиқиш уйғотди. Ўзбек олими бундан атиги олти ой муқаддам АҚШнинг Миннесота университетига бўлиб ўтган анжуманда шу мавзуда маъруза қилган эди. У олимлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди ва профессор Иброҳим Раҳимовнинг бу ишига доир барча материаллар тўпланиб алоҳида китоб ҳолида чоп этилди.

Р. ЖАББОРОВ.

Қашқадарё виллоятининг Бишкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Фарход» фирмаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолига манзур молларни кўпайтириш ҳаракатида бўлиб, келаётган даромад

ЎҚУВЧИЛАРГА НАФАҚА

нинг бир қисмини мактаб ўқувчиларини рағбатлантиришга сарфлашга қарор қилдилар.

Қарши туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги» ўрта мактабининг 20 нафар аълочи ўқувчилари фирма томонидан ажратиладиган рағбатлантирувчи нафақаларни оладиган бўлишди.

П. ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

• Галла мустақиллиги учун

Галлаоролда уруғчиликка ихтисослашган Амир Темур номили агрофирма ташкил этилди. Кўйида унинг раиси, «Галла» илмий-ишлаб чиқариш биришмаси директори-иш ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Амир Омоновнинг сўхбатыни ўқийсиз.

«Галла» илмий-ишлаб чиқариш биришмасида кейинги йилларда бутдойининг «Енбош», «Маржон», «Сангзор-8», арпаниннг «Болғали», «Мавлоно» навлари яратилди. Ўтган йилнинг ўзида Галлаорол туманидаги Даврон Йўлдошев номили, Оқолтин туманидаги «Фаргона», Боёвут туманидаги Ш. Рашидов номили, Шаҳрисабз туманидаги Ж. Элбоев номили ва бошқа кўп-лаб хўжалиқларда «Енбош» ва «Маржон»дан 60-70 центнердан ҳосил олинди. Бу шуни кўрсатади, олимларимиз галла мустақиллигига эришишга пухта замин бўладиган серҳосил навлар яратдилар.

Лекин, галлачиликни ривожлантириш, уруғчиликни яхшилаш жараёнида баъзи камчиликлар ҳам йўл қўйилапти. Булар Сирдарё, Жиззах, Бухоро виллоятларида етиштирилган серҳосил навлар дони давлатга топшириб юборилди. Айрим раҳбарларнинг режа орқасидан қувчилари туғайли ҳосилдор навлар бошқа репродукцияда галла билан аралашиб кетди. Натижада виллоятлардаги галлачилик хўжалиқларининг кўпчилиги шу уругдан экишга мажбур бўлишди. Бунинг оқибати ҳаммага тушунарли.

Галла ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш учун аввало, тоза уруғ етиштиришга эътиборни қулайтириш шу куннинг энг долзарб вазифасидир.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, «Халқ сўзи» газетасининг 1994 йил 29 сентябрь сониди «Галла ҳосилдорлигини оширишнинг ўн беш омили» сарлавҳали мақолада биришма ҳосилдор ва озқабоб экилар уруғчилигини ташкил этиш, олий ва серҳосил навли уруғ тайёрлаш ҳамда тарқатиш билан шуғулланадиган махсус агрофирма тузиш ҳақида гап юритилганди. Шунинг натижаси ўлароқ

«Галла» илмий-тадқиқот институти базисида Амир Темур номили галла уруғчилиги агрофирмаси тузилди. Бугунги

УРУҒЧИЛИКДА ДАСТУР ЗАРУРМИ?

қунда олимларимизнинг Жиззах виллояти ва унинг неғизинда, республиканиннг бошқа ҳудудларида галла экинлари уруғчилигини қисқа муддатларда йўлга қўйиш борасидаги тадбирларни қўллаб-қувватланаётгани қувонарли ҳол бўлиб, олим у деҳқонларнинг амалий ҳамкорлигини янада мустақамлашга ҳизмат қилмоқда.

Агрофирманиннг асосий вазифаси республиканиннг турли тупроқ-иклим шароитидаги минтақаларига мос келувчи, серҳосил, касалликларга чидамли навларни танлаш, барқарор уруғчилик тизимини шакллантириш, бунинг замирида барча хўжалиқларини сара уруғ билан таъминлашни йўлга қўйишдан иборат.

Маълумки, уч-тўрт йил муқаддам барча виллоятларда галла экинлари асосан лалми майдонларда етиштирилиб, суғориладиган ҳудудларда унинг салмоғи 50-60 миңг гектардан ошмасди. Шу сабабларга кўра галлачилик институтининг Галлаорол туманидаги «Галлаорол», Қамашадаги «Галлакор» элита-уруғчилик хўжалиқлари лалмикор учун месслаштирилган навлар уруғчилиги билан машғул эди.

Суғориладиган галла майдонларининг кескин кўпайтирилиши уруғчилик тизимда ўзгаришлар ясашни тақозо этди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё ва Фар-

гона виллоятларида суғориладиган галла уруғчилигини яхшилаш учун 300-400 гектардан унумдор ерлар ажратилди.

Институт ҳузурида тузилган Амир Темур номили агрофирма таркибига Жиззах виллоятдаги 14 та хўжалик киритилди. Булардан Галлаоролдаги Даврон Йўлдошев, Дустликдаги Қосим Раҳимов номили хўжалиқлар элита уруғчи-

керак. Бу билан биринчидан, чет мамлакатлардан валютага сотиб олинмиш лозим бўлган галла тозалаш ва уруғликни дориллаш машиналари сонини кескин қисқартиришга эришсак, иккинчидан, тайёрланадиган уруғга ишлов берадиган масъул хўжалиқлар рўйхати аниқ бўлади.

Иш юритилишини янги шақкларига ўтиш эвазига ўтган йили агрофирма таркибига

кирувчи Д. Йўлдошев номили хўжаликда 570 тонна элита уруғи етиштирилди, бир йўли марказлашган тарзда тозаланган, виллоят хўжалиқларига етказиб берилди. Худди шу тартибда иш юритилса, иккиламчи уруғчилик ҳам бир пайтининг ўзида товар галла экидиган жамоаларга ўз муддатида етказиб берилди.

Бунда уруғ тайёрлаш учун фақат уруғчиликка ихтисослаштирилган хўжалиқларни махсус техника билан таъминлаб, катта ихтисодий тежам ва самара қўрилади. Ва, энг асосийси, тайёрланган уруғни сифатли қилиб тозалаш ва дориллаш учун масъул (жавобгар) хўжалиқлар аниқланди. Буни агрофирма мисолида кўриданган бўлсак, иккита элита уруғчилиги хўжалиқидан ташқари Жиззах виллоятидаги ҳар битта туманда биттадан уруғчилик хўжалиғини ташкил этилган. Улар зиммасига шу туман хўжалиқларини иккинчи ва учинчи репродукцияли уруғлар билан таъминлаш вазифаси юклатилган.

Албатта, бу тизим ҳозирги ўтиш даврига муъжалланган бўлиб, ихтисодий аҳвол ях-

шиланган уруғчиликнинг самарадор тизимига ўтиш имконияти туғилади.

Бунинг учун бир қатор муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Хусусан, галла экинлари уруғчилиги тизими фаолиятига давлат дон қабул қилиш пунктларини аралаштирмаслик керак. Чунки, бутунги кунда суғориладиган майдонларда бутдойининг 5-6 та, арпаниннг 3-4 та нави экиляпти. Қабул пунктлари эса бу навлардан етиштирилган галлани бир пайтининг ўзида алоҳида-алоҳида майдонларда (ячейкаларда) қабул қилиш, дориллаш ва сақлаш имкониятига эга эмас. Бу эса охири-оқибатда турли навларнинг аралашиб кетиши, уруғликнинг сифати пайасийишга сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун вақтинча бўлса-да (токи келажакда уруғлик галлани махсус жойларда сақлаб, тозалаш ва дориллаш берадиган замонавий қабул пунктлари қурилгунча) институт базисига етиштирилган сара уруғ элита уруғчилиги хўжалиқларида кўпайтирилиб, туманлардаги иккиламчи зверо бўлган уруғчилик жамоаларига етказиб берилса ва уларда товар галла ишлаб чиқарувчи хўжалиқлар эҳтиёжига яраша уруғ тайёрлаш йўлга қўйилса, айни мўлдога бўларди.

Уйлаймизки, бундай тадбирлар амалга оширилса, республикада галла етиштиришни янада кўпайтириш, ҳосилдорлиқни ошириш учун сара навлар танлаш ва тарқатиш, галла уруғчилигининг оқиндан ва барқарор тизимини яратиш имкониятига эга бўлади.

Сўхбатыни «Халқ сўзи» мухбири Хайитбой НАБИРАЕВ ёзиб олди.

ИЗОҲ: Галла уруғчилигига ихтисослашган мазкур агрофирма Жиззах виллояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, ҳозирча шу ҳудудга ҳизмат қилмоқда.

Келгусида бошқа виллоят ҳокимликлари ҳам бу ташаббусни қўллаб, шундай агрофирмалар тузишга бош қўшсалар институт олимлари улар билан ҳамкорлик қилишга тайёр.



ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 27

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Имкониятлар ишга солинганда».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. «Кўзгунчоқ».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.

19.40 «Мультикарuselъ». 19.55 «Табиркорлик мактаби». 20.25 «Ешлик» студияси. «Эъзо».

«ОМАД» таништиради:

21.00 «Совга». 21.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 21.45 Жаҳон географияси.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Хамманинг тилида». 18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Мен буюк юрт ўғли-дурман».

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультикарuselъ». 18.55 «Хайвонот дунёсининг сирлари».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениси. 19.40 «Мультикарuselъ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Рус олами». 18.30 «СБ» жумбоги. 18.45 «Ким аслида ким?».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Хамманинг тилида». 18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Хамманинг тилида». 18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

20.30 «Муиқий меҳмонхона». 21.30 — 23.10 «Кинематограф».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениси. 19.40 «Мультикарuselъ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениси. 19.40 «Мультикарuselъ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Рус олами». 18.30 «СБ» жумбоги. 18.45 «Ким аслида ким?».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Хамманинг тилида». 18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Хамманинг тилида». 18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

катталар». 18.30 «Миниатура». 19.45 «Ким аслида ким?».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениси. 19.40 «Мультикарuselъ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениси. 19.40 «Мультикарuselъ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Рус олами». 18.30 «СБ» жумбоги. 18.45 «Ким аслида ким?».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Хамманинг тилида». 18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Хамманинг тилида». 18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

кистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мен бир қизни учратдим». Бадийий фильм.

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультикарuselъ». 9.25 «Хайвонот дунёсининг сирлари».

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультикарuselъ». 9.25 «Хайвонот дунёсининг сирлари».

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультикарuselъ». 9.25 «Хайвонот дунёсининг сирлари».

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультикарuselъ». 9.25 «Хайвонот дунёсининг сирлари».

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультикарuselъ». 9.25 «Хайвонот дунёсининг сирлари».

9.00 «Д.Д.Д. ва бошқалар». Спорт тележурнали.

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультикарuselъ». 9.25 «Хайвонот дунёсининг сирлари».

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультикарuselъ». 9.25 «Хайвонот дунёсининг сирлари».

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультикарuselъ». 9.25 «Хайвонот дунёсининг сирлари».

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультикарuselъ». 9.25 «Хайвонот дунёсининг сирлари».

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультикарuselъ». 9.25 «Хайвонот дунёсининг сирлари».

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультикарuselъ». 9.25 «Хайвонот дунёсининг сирлари».

Эмал ПФ-115 оқ ҳаворанг, пистоқи рангли бўёқлар. Эмал ПФ-266 пол учун. (3 ва 100 килолик идишларда).

РАФ заводининг Марказий Осиё республикаларидаги расмий дилери ўн хил русумдаги РАФ автомобилларини таклиф қилади.

MAZDA 323 Седан 1600cc, 16v. Mazda Anadoluh Ltd. Тошкент шаҳри, М.К. Отатурк кўчаси, 23.

"Хамро" фирмаси Тошкентдаги оғирдан ер остидан сув тортиладиган ЭҚВ насосларини сомади.

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув ҳўжалиги вазириликнинг Тошкент таъмирлаш заводи кўйидаги касблар бўйича ишга таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти жамоаси уқтасод фанлари доктори, профессор С. 3. Вахидовага акаси тиббиёт фанлари доктори, профессор

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодиёт 32-36-6; Маонавият 32-35-60; Ахборот 32-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.